*Адл ила олам юзин обод қил*

# Куч–адолатда

2021 йил
26 февраль,
жума
№ 8 (833)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси • http://www.sud.uz • 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## БУНЁДКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

***Президент Шавкат Мирзиёев 25 февраль куни Тошкент вилоятида амалга ошириладиган бунёдкорлик лойиҳалари тақдимоти билан танишди.***

Улардан бири — Тошкент вилоятининг Қибрай туманида, "Тошкент-Шарқий" аэродроми яқинида 155 гектарлик боғ барпо этиш лойиҳаси. Уни ишлаб чиқишда дунё мегаполисларидаги машҳур паркларнинг ландшафти, қулайликлари ўрганилган. Бу боғ фақат дарахтзор, бута ва гуллардан иборат ўзига хос дендропарк бўлиши кўзда тутилган. Бу пойтахтимиз экологиясига катта таъсир кўрсатадиган, аҳоли ва меҳмонлар сайр қиладиган "яшил ҳудуд" бўлади.

Мазкур боғнинг ёнида Олимпия шаҳарчаси қурилиши режалаштирилмоқда. Маълумки, Осиё Олимпия кенгашининг қарорига кўра, 2025 йилда Ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинлари Тошкентда ўтказилади. Унда қитъамиздаги 45 та мамлакат ёшлари 20 га яқин спорт тури бўйича баҳслашади.

Айтиш жоизки, бундай нуфузли халқаро мусобақа Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба ўтказилади. Давлатимиз раҳбари бу мамлакатимизга кўрсатилган катта ишонч эканини, ушбу мусобақага ҳозирдан бошлаб пухта тайёргарлик кўриш кераклигини таъкидлаган эди.

Шу мақсадда 160 гектар майдонда Олимпия шаҳарчаси қуриш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилган. Чирчиқ дарёсининг 5 километрдан зиёд қисмида қирғоқларни тартибга келтириб, эшкак эшиш бўйича мусобақалар учун зарур шароит яратиш мўлжалланган. Унинг бўйларида эса 270 гектарлик парк барпо этилиши режалаштирилган.

Шунингдек, Қибрай туманининг ушбу ҳудудида 2 та университет, шифохона, экспо, савдо ва кўнгилочар марказ бинолари жойлаштирилиши назарда тутилмоқда.

Президент лойиҳаларни сифат ва қулайлик жиҳатидан такомиллаштириш, иншоотларни қуришда жаҳондаги энг илғор тажрибаларни қўллаш бўйича кўрсатмалар берди.

**ЎзА**

## ОМБУДСМАН ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИЙ-ТАНҚИДИЙ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

***Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси мажлисида Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг ҳисоботи танқидий-таҳлилий муҳокама қилинди.***

Мазкур масала юзасидан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Феруза Эшматова ҳамда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил Алия Юнусова ҳисобот берди.

— Ўтган 2020 йил дунё ҳамжамияти учун синовли йил бўлди. Коронавирус пандемияси жаҳон мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир кўрсатди. Ишлаб чиқариш жараёнларини сусайтирди, — деди Ф.Эшматова. — Аммо пандемия Омбудсманнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги фаолиятига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Бунда, фуқароларнинг шахсий қабули вақтинча тўхтатилган бўлса-да, Омбудсманнинг "Ишонч телефони"га ҳамда электрон манзилига келиб тушган мурожаатлар сони олдинги йилларга нисбатан ошди.

2020 йилда Омбудсман номига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий давлатлар фуқаролари ва омбудсманлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, жамоат ташкилотлари ва бошқа юридик шахслардан жами 14 минг 975 та мурожаат келиб тушди.

Қатъий карантин талаблари ўрнатилган бўлишига қарамай, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ўзининг меҳнат фаолиятини доимий тарзда давом эттирди. Хусусан, Омбудсман ва унинг котибияти ходимлари, жамоатчилик фаоллари билан биргаликда карантин мажмуалари, тиббий муассасалар, Миллий превентив механизм доирасида жазони ижро этиш муассасаларида инсон ҳуқуқларининг таъминланиш ҳолатини ўрганиш мақсадида мунтазам мониторинг тадбирларини амалга оширди.

2020 йилда Омбудсман парламент назорати субъекти сифатида 4 минг 486 та мурожаатни кўриб чиқишни ўз назоратига олди ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларига улар бўйича 4 минг 987 та сўров юборди. Шу билан бирга, Вакилнинг аҳоли мурожаатлари билан ишлашда ўтган йилдаги фаолиятига нисбатан ижобий ўзгаришлар қилинган бўлса-да, ҳисобот даврида 176 та мурожаат қонун талабларига мувофиқ белгиланган тартибда аноним деб топилган. Бироқ мазкур мурожаатларда кўтарилган масалаларни Вакил ташаббуси билан кўриб чиқиш амалиёти йўлга қўйилмаган.

Ҳисобот йили давомида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 274 та мурожаатига ўз вақтида вазирлик ва идоралардан жавоб хатлари берилмаган. Мазкур ҳолат юзасидан вазирлик ҳамда ҳокимликларга 3 та тақдимнома, 9 та хулоса киритилганига қарамай, Олий Мажлис палаталарига бу ҳақида маълумот киритилмаган.

Шунингдек, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турлари қўлланилишининг олдини олиш мақсадида ўтказилган мониторинглар натижасида тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ҳуқуқий тарғиботнинг самарали ташкил этилмаганлиги оқибатида қамоқда сақлаш жойларида бир қатор камчиликлар ҳамда ўз ечимини кутаётган муаммолар аниқланди.

Яъни баъзи жазони ижро этиш муассасаси ходимлари "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида"ги қонундан тўлиқ хабардор эмас. Муассасалардаги ишлаб чиқариш цехларида тиббий пунктлар ташкил этилмаган ҳамда цехлар, мустақил участкалар, устахоналар ва бошқа иншоотлар биринчи тиббий ёрдам аптечкалари билан тўлиқ таъминланмаган.

Ишлаб чиқаришда меҳнатга жалб қилинган маҳкумлар махсус кийим-бош, пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан тўлиқ таъминланмаган. Бундан ташқари, Вакилнинг минтақавий вакиллари ўз фаолиятини тарғиб қилиш ишларини тўғри йўлга қўймаганлиги танқид қилинди.

Йиғилиш давомида қўмита аъзолари Бола ҳуқуқлари бўйича вакил Алия Юнусованинг 2020 йилги фаолияти бўйича ахборотини ҳам эшитишди.

Таъкидланишича, 2020 йил давомида жисмоний ва юридик шахслар, болалар ҳамда уларнинг қонуний вакиллари томонидан жами 85 та мурожаат қабул қилинган. Мурожаатлар Бола ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан тўлиқ назоратга олинган. 28 та мурожаат идора ва ташкилотлар томонидан қаноатлантирилган.

Меҳрибонлик уйлари битирувчиларининг турар жой билан таъминланиши тўғрисидаги 12 та мурожаати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан жавобсиз қолдирилган.

Боланинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда тиклаш мақсадида Бола ҳуқуқлари бўйича вакил мурожаатлар юзасидан 8 маротаба ўзи ва вакили орқали суд процессларида иштирок этди. Шундан 5 та суд қарори бекор қилинган.

Пандемия оқибатида жуда кўплаб муассасалар ёпиқ ҳолатда ўз иш фаолиятларини давом эттирди. Бу каби ёпиқ, шахслар ўз ихтиёри билан чиқиб кета олмайдиган муассасаларда бола ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан Қашқадарё, Тошкент, Андижон, Жиззах, Сирдарё, Фарғона, Бухоро, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳрида жойлашган муассасаларга 53 та мониторинг ташрифлари уюштирилган.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ахборотида мониторингларда аниқланган камчиликлар таҳлил қилиниб, давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарларига 3 та тақдимнома ва 47 та сўров юборилгани ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 12 та қонуни лойиҳасига таклифлар берилганини қайд этилди.

Сенат аъзолари, эксперт ҳамда мутахассислар томонидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Нурилло НАСРИЕВ,**
*ЎзА мухбири*

*Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти янги таҳрирдаги Фуқаролик кодекси лойиҳасини ишлаб чиқди. Лойиҳа Президентимизнинг 2019 йил 5 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши ижроси доирасида тайёрланди.*

*Моҳият*

## Халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари

### *янги таҳрирдаги Фуқаролик кодексида акс этган*



Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида янги таҳрирдаги Фуқаролик кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда эътибор қаратиш зарур бўлган бир қатор муҳим вазифалар белгиланган. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини қайта кўриб чиқиш шулар жумласидандир.

Лойиҳанинг халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича қоидаларини ишлаб чиқишда ушбу соҳада ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибаси атрофлича ўрганилди. Шу билан бирга, коллизион ҳуқуқий муносабатларни у ёки бу даражада тартибга солувчи халқаро шартномаларда белгиланган қоидалардан ҳам фойдаланилди.

**(Давоми 3-бетда) ▶**

*Ҳуқуқий асос*

## Қонун ижроси: жавобгарлик ва масъулият

**Мамлакатимизда сўнгги тўрт йилда барча соҳаларда кенг кўламли ўзгаришларни амалга ошириш бўйича 150 та қонун, 2 мингга яқин фармон ва қарор қабул қилинди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, жамият тараққиётини юксалтиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.**

**(Давоми 3-бетда) ▶**

*Сабоқ*

## Меҳнат ва ижро интизоми

### иш фаолиятининг устувор талабидир

***Мамлакатимизда мажбурий меҳнат қонун асосида тақиқланган. Бироқ айрим ҳолларда бунга йўл қўяётган раҳбарлар учраётгани ачинарли, албатта.***

Қуйидаги мисол шу ҳақда. А.Саидов (исм-шариф ўзгартирилган) Бухоро вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармасининг тегишли буйруғи билан туман болалар-ўсмирлар спорт мактабига 3 ой синов муддат билан ишга қабул қилинган.

**(Давоми 4-бетда) ▶**

*Муносабат*

**2021 йил 22 февраль куни янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида яна бир тарихий воқелик рўй берди. Шу куни давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессияси юқори даражадаги сегменти ишида иштирок этди ва ўзбек тилида нутқ сўзлади.**

## Инсонпарварлик ғоялари

### *инсон ҳуқуқларининг асоси*

Бу ҳақда сўз борганда, аввалambor, Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида 2021 йил 1 январдан бошлаб мамлакат тарихида илк бор БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг аъзоси мақомига эга бўлганини алоҳида қайд этиш лозим.

Қарийб 150 мамлакатдан давлат ва ҳукумат раҳбарлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг нуфузли экспертлари, кўплаб халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари қатнашган сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти ушбу Кенгашга аъзо давлат раҳбари сифатида биринчи марта иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг **"инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислоҳотларда энг муҳим ўринда туради"** ғояси халқаро ҳамжамиятнинг юксак эътирофига сазовор бўлди.

Ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам **"Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик"** сингари инсонпарвар тамойиллар билан суғорилган нутқнинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлди.

**(Давоми 2-бетда) ▶**



## Тинчлик, хавфсизлик ва тараққиёт шарти

**Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 22 февраль куни Женева шаҳрида ўз ишини бошлаган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессияси юқори даражадаги сегментида сўзлаган тарихий нутқи мамлакатимиз ва жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг ҳамда қизғин муҳокама қилинмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 75 йиллик тарихи инсон ҳуқуқлари универсал қадрият эканини яққол исботлади. Бу устувор тамойилсиз ер юзида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди".**

Президентимиз ўз маърузасида мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши доирасидаги фаолиятимизнинг устувор йўналишлари ҳақида атрофлича тўхталди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида бир қатор муҳим натижаларга эришди. Хусусан, 2020 йил 13 октябрь куни БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига 2021-2023 йилларга сайланди.



Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **"инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислоҳотларда энг муҳим ўринда туради"**.

Шу маънода, БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда **"Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик"** тамойили асосида амалга оширилмоқда.

Юртимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси экспертлари иштирокида ишлаб чиқилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси доирасида амалга оширилаётган қамровдор ишлар самаралари яққол мисол бўла олади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2020 йил 22 июнда қабул қилинган Миллий стратегия мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш ва инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳужжатда инсон ҳуқуқлари масаласига тизимли ёндашиш ва мавжуд бўшлиқларни, камчиликларни бартараф этиш йўллари аниқ кўрсатилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Сенати Кенгаши 2020 йил 25 сентябрда қабул қилган қўшма қарори билан **Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссияси тузилди** ва унинг таркиби ҳамда Регламенти тасдиқланди.

**(Давоми 2-бетда) ▶**

## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг суд қарорларини интернет тармоғида эълон қилиш тизими (public.sud.uz)




***2018 йилнинг декабрь ойидан** судлар фаолиятига Олий суднинг Интерактив хизматлар порталида **(my.sud.uz)** жойлаштирилган **"Қарорлар тўплами"** рукни орқали суднинг қонуний кучга кирган қарорларини тизимли равишда эълон қилиш амалиёти жорий қилинган.*

*Суднинг қонуний кучга кирган қарорлари интернет тармоғида икки хил, яъни тарафларнинг розилиги билан тўлиқ матнда, тарафлар рози бўлмаган вазиятда эса, шахссизлантирилган матнда эълон қилинади.*

*Ахборот тизимини жорий қилишдан асосий мақсад қуйидагилардан иборат:*

- *судлар фаолияти ошкоралигини таъминлаш;*
- *аҳолини суд қарорлари билан онлайн тарзда таништириб бориш;*
- *аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш;*
- *ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.*

*Муносабат*

# Инсонпарварлик ғоялари

## *инсон ҳуқуқларининг асоси*

◀ (Бошланиши 1-бетда)

*Биринчидан*, янги Ўзбекистонни бунёд этишга қаратилган демократик ислоҳотлар фақат инсонни эъзозлаш, унинг фаровонлигини ошириб бориш, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини амалда таъминлаш вазифаси қатъий давом эттирилиши таъкидланди.

*Иккинчидан,* БМТ тизимидаги энг нуфузли органлардан бири — Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг асосий мақсадларига ҳамоҳанг бўлган 7 та принципиал ташаббус ва таклиф илгари сурилди.

Жумладан, **гендер сиёсати масалалари борасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишлар қатъий давом эттирилиши** баён этилди. Бунда 2021 йилда Ўзбекистонда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес-форумини ўтказиш режалаштирилаётгани қайд этилди.

Шу ўринда сўнгги 4 йилда мамлакатимизда гендер тенглиги бўйича бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганини ва унинг ижроси таъминланаётганини таъкидлаш жоиз. Бунинг натижасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар муносиб ўринга эга бўлиб бормоқда.

Масалан, хотин-қизларнинг орасида кўплаб парламент ва ҳукумат аъзолари бор. Бундан ташқари давлат бошқаруви органларида аёл раҳбарлар фаолият юритмоқда. Аёл бир қўли билан дунёни тебратса, яна бир қўли билан бешикни тебратади, деб бежиз айтилмаган.

Бугунги кунда одил судловни амалга оширишда ҳам аёл судьяларнинг муносиб ҳиссаси бор. Юртимизда 160 нафар аёл судья ана шу ғоят масъулиятли ва шарафли касбда самарали фаолият юритмоқда.

Айни шу муҳим масала бўйича мамлакатимиз халқаро рейтингларда сезиларли даражада юқорига кўтарилди. Бу тажриба халқаро миқёсда муносиб эътироф этилмоқда. Халқаро парламентлараро ассамблея Бош котиби Мартин Чунгонг Ўзбекистон тажрибаси бошқа давлатлар учун намуна бўлишини таъкидлагани ҳам буни тасдиқлайди.

Мамлакатимиз кейинги даврда бошқа бир қатор соҳаларда эришган натижалар ҳам халқаро рейтинг агентликлари томонидан юксак баҳоланмоқда. Хусусан, Бертельсман фондининг 2020 йилги ҳисоботида Ўзбекистон Барқарор ривожланиш мақсадлари кўрсаткичларига эришиш бўйича 193 та мамлакат орасида 66-ўринни эгаллагани қайд этилди.

Бундай натижага эришишнинг асосий омиллари сифатида камбағал аҳоли улушининг 2015 йилдаги 13 фоиздан 2018 йилда 11 фоизгача камайгани, болаларни мактабгача таълим билан қамров даражаси 2017 йилдаги 28 фоиздан 2019 йилда 52 фоизга ошгани эътироф этилган.

Ўтган қисқа вақт мобайнидаги шиддатли ислоҳотлар туфайли биргина суд-ҳуқуқ тизимида 40 дан зиёд қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Судларимиз том маънода инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органга айлангани натижасида 2 минг 500 нафарга яқин шахс оқланди. 3 минг 500 нафардан ортиқ ёшлар ва хотин-қизлар озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланиши орқали маҳалла ва жамоатчилик кафиллигига берилди.

Давлатимиз раҳбари Женевадаги чиқишида илгари сурган яна бир муҳим ташаббус, яъни **судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш** ҳақидаги таклиф ҳам бевосита инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида давом этаётган эзгу сиёсат билан чамбарчас боғлиқ. Чунки жамиятда адолат ўрнатишда одил судлов фаолиятини амалга оширувчи судьяларни касбга тайёрлаш, ҳалол ва пок номзодларни танлаш ва тайинлаш масаласи ўта муҳимдир.

Таъкидлаш жоизки, **ҳозирча судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларига** оид халқаро ҳужжат мавжуд эмас. Шунинг учун турли давлатлар тизимида ушбу фаолият турлича амалга ошириб келинмоқда.

Бу ғоя илк маротаба мамлакатимиз Президенти томонидан илгари сурилгани ўта фахрлидир. Албатта, бу хужжатнинг қабул қилиниши умуминсоний ҳуқуқий асос яратилишига замин бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг ушбу нутқи инсон ҳуқуқлари соҳасида аниқ ва юксак самарали мақсадларга йўналтирилган, улкан стратегик аҳамиятга эга бўлган миллий, минтақавий ва глобал миқёслардаги ташаббусларни ўзида қамрагани билан ниҳоятда долзарб ҳамда аҳамиятлидир.

**Холмўмин ЁДГОРОВ,**
*Судьялар олий кенгаши раиси*



# Тинчлик, хавфсизлик ва тараққиёт шарти

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Парламент комиссиясининг асосий мақсади — инсон ҳуқуқлари соҳасида мамлакатимизнинг халқаро мажбуриятларига риоя этилишига ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини амалга оширишга кўмаклашишдан иборат.

Соҳадаги яна бир муҳим натижа: Президентимизнинг 2020 йил 22 июндаги Фармонига кўра, **"Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун"** кўкрак нишони таъсис этилди.

Эътибор беринг: ҳар 5 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси эълон қилинган кун — 10 декабрда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича мукофотини топшириш маросими бўлиб ўтади. Ушбу мукофот 1966 йилда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга улкан ҳисса қўшган инсонларни тақдирлаш учун ташкил этилган.

Эндиликда Ўзбекистон ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича ўз мукофотини таъсис этди. 2020 йилдан бошлаб **ҳар йили 10 декабрь — Халқаро инсон ҳуқуқлари кунида "Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун" кўкрак нишони совриндорлари тантанали равишда тақдирланади.**

Булар, шубҳасиз, инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ муддатли стратегиянинг қабул қилиниши туфайли ушбу соҳада давлат сиёсати самарали амалга оширилаётганидан далолат беради. Бу, ўз навбатида, жамиятимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланишига, шу жумладан, иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеи яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда фаол гендер сиёсати доирасида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш бўйича жадал ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеяси 75-юбилей сессиясида қайд этганидек, **"Биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги Парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробарга кўпайди".**

Ҳақиқатан ҳам, Олий Мажлисга бўлиб ўтган охирги сайловлар натижасида биринчи маротаба Ўзбекистон парламентида аёллар сони бўйича БМТ тавсиялари (камида 30 фоиз) тўлиқ бажарилди. Қонунчилик палатасига 32 фоиз, яъни 48 нафар аёл депутат сайлангани, ўз навбатида, дунёдаги 190 парламент ичида Ўзбекистон парламентининг 37-ўринга кўтарилишини таъминлади.

Кейинги 4 йилда мамлакатимизда **"Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"**ги ва **"Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"**-ги қонунлар қабул қилинди. 2020 йилнинг ўзида Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳукумат ва жамиятдаги ролини оширишга, уларнинг бандлигини таъминлашга, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга ва муҳтож аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилган 15 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган.

Ўтган йилдан бошлаб давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ижтимоий ҳимояга муҳтож қизларнинг билим олиш имкониятлари янада кенгайтирилиб, олий таълим муассасаларига 4 фоизли давлат грантлари ажратилди. Мазкур янги тизим асосида 2020 йилда 950 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож қиз ўқишга қабул қилинди. Барча вазирлик ва идораларда гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳат кенгашлари фаолияти ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси ҳамда Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси фаол ишламоқда. Янада муҳими, Президентимиз парламентга тақдим этган Мурожаатномасида Сенат Раиси раҳбарлигида **Республика Хотин-қизлар жамоатчилик кенгашини** ташкил этиш вазифасини кун тартибига қўйди.

Биргина шу далил ва рақамларнинг ўзи ҳам юртимиз аёллари жамиятда ҳақиқий ўрнини эгаллаб бораётганидан далолат бериб турибди.

Ўзбекистон Президентининг нутқида янграган алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилиши ҳақидаги фикрлар ҳам диққатга лойиқдир.

Маълумки, мамлакатимизда 2020 йил 15 октябрда "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Бугунги кунда Олий Мажлис палаталарида БМТ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилиш билан боғлиқ ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 700 минг нафардан ортиқ ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан, 100 мингдан ортиқ 16 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар истиқомат қилиши эътиборга олинса, мазкур қонуннинг долзарблиги ва аҳамияти яққол намоён бўлади.



Давлат ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган оилаларга моддий, маслаҳатга оид ва бошқача тарзда ёрдам беради, содда қилиб айтганда, алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида айтилганидек, юртимизда ногиронликни белгилашнинг жаҳон андозаларига мос "ижтимоий модели"га босқичма-босқич ўтилади.

Президентимизнинг бу борадаги янги ташаббуси — **имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўлиқ рўёбга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузиш таклифи ҳам шу каби эзгу мақсадларга қаратилган.**

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ёшлар масаласи, чиндан ҳам, янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади. Охирги парламент сайловида Қонунчилик палатасига 30 ёшгача бўлган 9 нафар депутат сайлангани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир. Бугун парламентимиз қуйи палатаси таркибининг 6 фозини ёшлар ташкил этмоқда (жаҳон миқёсида эса, бу кўрсаткич атиги 2 фоиздир).

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеяси 75-юбилей сессияси минбаридан туриб яна бир бор барча-барчани БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлашга чақиргани бежиз эмас. Конвенция лойиҳаси бутун дунё жамоатчилиги томонидан алоҳида эътироф этиляпти. Жумладан, ўтган йили ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумида бу конвенция лойиҳаси бўйича ижобий фикрлар билдирилди.

Ўзбекистон нафақат ушбу конвенция лойиҳасини тайёрлаш ташаббуси билан чиқди, балки ёшлар масаласини бугун давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарди. Мамлакатимизда Ёшлар ишлари бўйича агентлик ташкил этилди, фондлар тузилди, навқирон йигит-қизларнинг бандлигини таъминлаш бўйича доимий чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Юртимизда кейинги даврда тузилган ёшлар ташкилотлари ҳақида сўз борар экан, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилганини ҳам қайд этиш ўринлидир. 2020 йил 29 майда имзоланган "Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президентимиз Фармони билан Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари Женевадаги нутқида Ўзбекистонда жорий йилнинг "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" деб эълон қилинганини маълум қилар экан:

***биринчидан,*** БМТ шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш;

***иккинчидан,*** БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш;

***учинчидан,*** БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачиси институтини таъсис этиш ташаббусларини илгари сурди.

Агар ҳозирги кунда дунёда инсоният тарихида кузатилмаган даражада кўп — 2 миллиард нафардан зиёд ёш мавжудлиги ҳисобга олинса, Ўзбекистон Президентининг бу ғоялари ниҳоятда долзарб ва фойдали эканини яққол англаш мумкин.

Давлатимиз раҳбари мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталар экан, "бу — ислоҳотларимиздаги энг асосий ютуқларимиздан бири бўлди" деб алоҳида қайд этди. Бу бежиз эмас.

Сўнгги 15 йил ичида дунёда одам савдоси қурбонлари орасида болаларнинг улуши уч бараварга ошган, аёллар ушбу жиноий ҳаракатнинг асосий нишони бўлиб қолмоқда. БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш маълумотларига қараганда, ҳозирги кунда дунё бўйича 40 миллиондан ортиқ одам қулликнинг замонавий шаклларига дучор этилган бўлиб, уларнинг 71 фоизини аёл ва қизлар ташкил этади.

Халқимиз қадр-қиммати, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлашда одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалалари катта аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, Миллий стратегия ижроси доирасида 2020 йил 17 августда **"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**"ги қонун қабул қилингани диққатга лойиқдир.

Янги қонун билан 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқланди. Қонуннинг мақсади одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, одам савдосидан жабрланган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоялашга хизмат қилади.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) эълон қилган Ўзбекистонда 2020 йилги пахта терими бўйича мониторинг натижаларига кўра, ўтган йилги пахта йиғим-теримида юртимизда болалар ва мажбурий меҳнат ҳолатлари тизимли равишда кузатилмаган. Шу билан бирга, баъзи вилоятлар ва туманларда мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир ислоҳотларни жорий қилиш билан боғлиқ айрим қийинчиликлар кўзга ташланмоқда.




Давлатимиз раҳбари **"Болалар меҳнатига барҳам бериш халқаро йили" деб эълон қилинган жорий йилда Ўзбекистонда Болалар Омбудсмани тўғрисидаги қонун қабул қилинишига** жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратгани шуни англатадики, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам беришда қонун асосида кутилган мақбул натижаларга эришамиз.

Бундан ташқари Президентимиз инсон ҳуқуқлари соҳаси бўйича таълимни ривожлантириш борасида, ***биринчидан,*** Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Бошқармаси билан ҳамкорликда глобал форум ўтказиш; ***иккинчидан,*** ўқитиш тизимини ривожлантириш мақсадида БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ихтиёрий бадаллар жамғармасига Ўзбекистон ўз ҳиссасини қўшиши таклифларини билдирди.

Давлат раҳбарининг бу ҳақдаги фикрларини тинглар эканман, Самарқанд веб-форумининг 2020 йил 13 августда бўлиб ўтган учинчи ялпи мажлисида ёшлар учун инсон ҳуқуқлари бўйича таълим масалалари муҳокама қилинганини эсладим. Ўшанда турли мамлакатлар экспертлари томонидан ёшларга инсон ҳуқуқлари бўйича таълим бериш борасидаги тажриба таҳлил этилиб, ушбу муҳим йўналишни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берилди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим нима учун айнан ёшларга бунчалик муҳим? БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси вакили **Паулина Тандионо**нинг фикрича, **"Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, уларни ривожлантириш ва жамият ҳаётига жалб этишнинг калитидир".**

Европа Кенгашининг Ёшлар ишлари бўйича маслаҳат кенгаши аъзоси **Ника Бахсолиани** таъкидича, **"таълим — адолатсизликка барҳам бериш усули бўлса, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим — бу соҳадаги энг мақбул усулдир".**

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси маслаҳатчиси, "ND Consultance" директори **Нордин Дриси** эътироф этганидек, **"Ўзбекистонда бугунги кунда юз бераётган ижобий сиёсий ўзгаришлар туфайли инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни ривожлантириш ва инсон ҳуқуқлари соҳасида ишончли билимларни эгаллаган янги авлод ҳуқуқшуносларини тарбиялаш учун мустаҳкам платформа яратилиши мумкин".**

Шу ўринда ўтган йилнинг ноябрь ойидан буён Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази халқаро ҳамкорлар билан биргаликда "Инсон қадр-қиммати — энг олий қадрият" махсус ўқув модули машғулотларини ўтказиб келаётгани ҳақида мухтасар тўхталмоқчиман. Мазкур ўқув модули мамлакатимиз судлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари раҳбар ходимлари учун мўлжалланган.

Машғулотлар Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятлари ижроси доирасида ташкил этилди. Жумладан, бу БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ҳамда Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси тавсиялари тақозосидир.

Ўқув курсида барча судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбар ходимлари икки босқичда ўқитилмоқда. Олий суд, Бош прокуратура, Адлия, Ички ишлар ва Мудофаа вазирликлари, Миллий гвардия, Давлат божхона қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизмати раҳбар ходимларидан иборат 2 минг 300 нафардан зиёд тингловчини махсус ўқув модули машғулотларига жалб этиш режалаштирилган.

Мамлакатимизда фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича ҳам изчил ва қатъий чоралар кўрилмоқда. Бинобарин, 1991 йилдан 2016 йил декабргача 482 киши Ўзбекистон фуқаролигини олган бўлса, 2016 йил декабрдан 2020 йилгача бўлган муддатда бундай шахслар 15 минг нафарни ташкил этди.

Шу билан бирга, 1995 йил 1 январга қадар юртимизда яшаб келган 50 минг нафар фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон фуқароси деб тан олинди.

Давлатимиз раҳбари юқори даражадаги сегментда сўзлаган нутқида **"бу йил яна 20 мингдан зиёд киши фукроликка эга бўлади",** деб қайд этди. Бундай муҳим қадамлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган чақириғига муносиб жавобдир.

Биз инсон ҳуқуқларини кафолатлаш, ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш борасида эришган натижаларимиз билан кифояланиб қолмаймиз. Шу маънода, Президентимиз халқаро форум иштирокчилари эътиборини **мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги кодекслар ишлаб чиқилаётганига** қаратгани жуда муҳимдир.

Бу кодекслардан бири — Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришга, иккинчиси эса, сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши лозим. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, буни биз **"қатъий мақсад қилганмиз".**

Ўзбекистон Президенти БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 3 та таклиф билан чиқди.

***биринчи таклиф:*** Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш;

***иккинчи таклиф:*** Қийноқларга қарши конвенциянинг Факультатив протколини Ўзбекистон томонидан ратификация қилиш;

***учинчи таклиф:*** мазкур масалалар юзасидан ҳамкорликда ишлаш мақсадида БМТнинг Қийноқлар масаласи бўйича махсус маърузачисини мамлакатимизга таклиф этиш.

Давлатимиз раҳбари БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари **Мишель Бачелет**нинг юртимизга ташрифини кутиб қолишимизни қайд этди. **"Бу борада мандатга эга бўлган барча вакилларнинг Ўзбекистонга ташриф буюришлари учун доимий таклифнома юбориш ҳақида қарор қабул қиламиз",** деди Президентимиз.

Шундай қилиб, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларига бундан кейин ҳам содиқ қолади. Энг муҳими, Президентимиз таъкидлаганидек, **"Демократик ислоҳотларимиз янги Ўзбекистонни бунёд этишга қаратилган бўлиб, бу ўзгаришлар ортга қайтмайдиган тус олди".**

**Акмал САИДОВ,**
*Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори*

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Хусусан, амалдаги Фуқаролик кодексининг 1158-моддаси **"чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқни белгилаш"** деб номланган. Яъни бундай номланиш "халқаро хусусий ҳуқуққа оид нормалар фақат фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган" деган маънони билдиради.

Аммо бу ибора ушбу соҳанинг қўлланиш доирасини торайтиради. Чунки халқаро хусусий ҳуқуқ нафақат чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни, балки оилавий ва меҳнат муносабатларини ва бошқа хусусий ҳуқуқий муносабатларини ҳам тартибга солади.

Шунинг учун Фуқаролик кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасида **"хусусий ҳуқуқий муносабатлар"** иборасини қўллаш таклиф этилмоқда.

Қолаверса, лойиҳада халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасидаги олимлар, судьялар томонидан турлича талқин қилинадиган ва амалиётда чет эл судлари ва арбитражлари қарорларини тан олиш ҳамда ижро этишда ва бошқа соҳаларда қўлланилиши муаммолар келтириб чиқарадиган "оммавий тартиб" тушунчасининг мазмуни борасида ҳам лойиҳада аниқ қадамлар ташланди.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 1164-моддасида **"чет эл ҳуқуқини қўлланиш Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ-тартиботи асосларига (оммавий тартибга) зид келадиган ҳолларда чет эл ҳуқуқи қўлланилмайди. Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи қўлланилади",** деб белгиланган. Аммо "оммавий тартиб" тушунчаси мазмуни, яъни ушбу тушунча ўзи ичига нималарни қамраб олиши очиқ қолган ва бу унинг турлича талқин этилишига сабаб бўлмоқда.

Эндиликда ана шу бўшлиқ тўлдирилмоқда. Шу мақсадда лойиҳанинг 1151-моддасига қуйидаги банд қўшилди: **"Ўзбекистон Республикасининг оммавий тартиби деганда Ўзбекистон Республикасининг жамият тузилиши асослари, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган асосий принциплар тушунилади".**

Бундан ташқари амалдаги

*Моҳият*

# Халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари

*янги таҳрирдаги Фуқаролик кодексида акс этган*

Фуқаролик кодексида "оммавий тартиб" тушунчаси билан боғлиқ муаммо қатъий нормаларни қўллашда ҳам учрайди. Ҳозирги кунда суд амалиётида қатъий нормалар билан боғлиқ муаммолар нафақат хорижий мамлакатлар, балки Ўзбекистонда ҳам юзага келмоқда.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 1165-моддасида қатъий нормаларни қўллаш бўйича қоидалар белгиланган бўлсада, қатъий нормалар айнан қандай нормалар бўлишига ойдинлик киритилмаган. Натижада судлар томонидан барча императив нормалар ушбу қатъий нормалар доирасига киради, деган қараш шаклланиб қолмоқда.

Бироқ чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларда одатдаги императив нормаларга асосланиб қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқни қўлламаслик халқаро хусусий ҳуқуқнинг асосларига жиддий зарар етказади.

Айтайлик, даъво муддати ёки шартноманинг шакли билан боғлиқ қоидаларни ҳам қатъий нормалар сифатида қабул қилиб, чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларга нисбатан қўллаш ривожланган давлатлар тажрибаси билан солиштирганда мутлақо нотўғри ҳисобланади.

Мисол учун Япония судларида олди-сотди бўйича тўлов юзасидан талабнинг бекор бўлиш муддати шартноманинг юридик кучи сифатида баҳола-



ниб, унга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ Германия ҳуқуқига асосан 3 йил бўлса, умумий даъво муддатини 5 йил этиб белгиловчи Япония Фуқаролик қонунининг 166-модда 1-банди императив норма бўлишига қарамай шартномага нисбатан татбиқ этилмайди.

Бироқ амалиётда қатъий нормалар деганда ҳар қандай императив нормалар эмас, балки давлатнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда катта аҳамият касб этадиган нормалар тушунилади.

Шу боис лойиҳанинг 1152-моддасида **"қатъий нормалар деганда ҳар қандай нормалар эмас, балки давлатнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда катта аҳамият касб этадиган нормалар тушунилиши лозим"** деб қайд этилмоқда.

Лойиҳага киритилаётган ушбу қўшимча ҳуқуқий муносабат қатнашчиларининг олдиндан кўра олиш имкониятини оширади ва ҳар қандай императив нормаларни қўллаган ҳолда чет эл ҳуқуқини рад этишнинг олдини олади.

Лойиҳада халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида қўл урилган навбатдаги муҳим янглик юридик шахснинг шахсий қонунини белгиловчи мезонларнинг тўлдирилишидир.

Амалдаги Фуқаролик кодексида юридик шахснинг шахсий қонуни сифатида таъсис этилган жой қонуни назарда тутилган. Аммо амалиётда юридик шахснинг у таъсис этилган давлат билан алоқаси деярли мавжуд бўлмаган ҳолатларни ҳам кузатиш мумкин.

Шу билан бирга, бу ҳолат юридик шахс асосий фаолият юритадиган давлат қонунчилигининг ноқулай қоидаларини четлаб ўтиш мақсадида чет давлат ҳудудида таъсис этиш вазиятларини вужудга келтиради.

Шу мақсадда лойиҳада юридик шахснинг шахсий қонунини белгилашда юридик шахс бошқа давлат ҳудудида асосий фаолиятини юритганда мазкур давлат қонунини ва агар бир неча ҳудудда фаолиятини амалга оширган тақдирда бошқарув органи жойлашган давлат қонунини унинг шахсий қонуни сифатида белгилаш таклиф этилмоқда.

Бу ўринда юридик шахснинг шахсий қонунини аниқлаш учун хизмат қиладиган мезонларни ишлаб чиқишда Туркия, Италия, Эстония каби хорижий давлатларнинг ҳуқуқий тартибга солиш тажрибасидан фойдаланилган.

Шундай қилиб, Фуқаролик кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасига чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида таклиф қилинаётган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг қабул қилиниши ушбу соҳадаги ҳуқуқий бўшлиқларнинг тўлдилишига ва зиддиятлар бартараф этилишига хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларда битим иштирокчиларининг янада эркин ҳаракатланиш имкониятини беради.

**Абдурауф АБДУҚОДИРОВ,**
*Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти масъул ходими*



*Ҳуқуқий асос*

# Қонун ижроси: жавобгарлик ва масъулият

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бироқ уларнинг барчаси ҳудудларда ва ташкилотларда талаб даражасида ижро этиляпти, дейиш мушкул. Президентимизнинг 2021 йил 10 февралда қабул қилинган **"Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони ушбу камчиликларни бартараф этиш борасида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу ҳужжатда қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар лойиҳаларини пухта иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказишни таъминлаш, улар қабул қилингач, ижросини самарали ташкил этиш ва мониторинг қилишнинг таъсирчан тизимини яратиш бўйича устувор вазифалар белгиланди.

Эндиликда Президент Администрацияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигининг ташкилий, ижро ва назорат фаолияти бўйича ягона тизим жорий этилади. Бундан кўзланган мақсад қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни пухта ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг таъсирчан амалиётини шакллантириш, уларни аниқ ижрочилар, кенг жамоатчилик ва аҳолига тезкор етказиш, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштириш, жорий, ўрта муддатли ва истиқболдаги вазифаларни самарали амалга ошириш бўйича шошилинч ҳамда тезкор чоралар кўришдир.

Ҳақиқатан ҳам, амалга оширилаётган ислоҳотлар натижадорлиги, аввало, ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган чора-тадбирларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилишига боғлиқ. Бу борада Олий Мажлис палаталарининг ўрни ва роли муҳимдир.

Фуқароларнинг соҳалардаги ўзгаришлар юзасидан таклиф ва муносабатларини эшитиш ва муҳокама қилиш, ислоҳотларнинг жойлардаги ижросини таҳлил қилиб бориш, унинг кенг жамоатчиликка етказилишини таъминлаш, натижалар бўйича келгусида қонун ижодкорлиги ҳамда назорат-таҳлил соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган масалалар юзасидан вазифалар белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Фармонда қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларининг пухта иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши белгилангани парламентдаги қўмиталар ҳузурида қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширишга кўмаклашувчи экспертлар гуруҳлари фаолиятининг аҳамиятини оширади. Бу, ўз навбатида, қабул қилинадиган қонунларнинг халқчиллиги ва ҳаётийлигини таъминлайди.

Қолаверса, Фармондан давлат хизматчиларининг масъулиятини ошириш бўйича жавобгарлик белгилаш, давлат органларидан тегишли ҳужжатлар ижроси юзасидан маълумотларни сўраб олиш, ижро таъминланмаган бўлса, чоралар кўриш бўйича огоҳлантириш ва кўрсатмалар киритиш масалалари ҳам ўрин олган.

Бунинг учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳамда "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунга ўзгартишлар киритилади.

Бундан мақсад мансабдор шахсларнинг қонунлар ижроси бўйича жавобгарлиги ва масъулиятини янада ошириш, қабул қилинган фармон ва қарорлар ижросини жамоатчилик томонидан назорат қилиш механизмини такомиллаштиришдир.

Фармонда Олий Мажлис палаталарига қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларининг ижро ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини, шу жумладан, ислоҳотларнинг аҳоли турмуш тарзига таъсирини жойларга чиққан ҳолда ўрганиш, уларнинг натижадорлигини таъминлаш бўйича парламент назоратини тизимли ташкил қилиш вазифаси белгиланган.

Бундан ташқари қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш юзасидан, жумладан, Ҳисоб палатаси билан биргаликда соҳалар, ҳудудлар ва идоралар кесимида манзилли ҳамда тематик таҳлилий ўрганишлар ўтказиш, жойлардаги ҳолат мониторингини юритиш Адлия вазирлигига юклатилган.

Бир сўз билан айтганда, Фармонда белгиланган вазифаларнинг ижроси ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган чора-тадбирларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилишига хизмат қилади.

**Муҳтабар ҲУСАНОВА,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати*

*Сабоқ*

# Хатарли йўл

***Ахборот технологиялари кенг имкониятларга эга. Уларни санаб адоғига етиш мушкул. Афсуски, бу ғаразли кимсаларнинг чиркин ниятини амалга ошириш воситасига айланаётгани ҳам айни ҳақиқат. Инсон қалбини эгаллаш, унинг онгини заҳарлаш орқали қабиҳ мақсадларни кўзлаётганлар дин омилидан устамонлик билан фойдаланмоқда. Буни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида кўриб чиқилган бир жиноят иши ҳам яққол тасдиқлайди. Суднинг қора курсисида ўтирган Акмал (исм-шарифлар ўзгартирилган) эндигина 22 ёшга тўлган.***

Ислом динини ўрганишга интилган Акмал дастлаб интернет тармоғидаги турли диний маърузаларни тинглашни одат қилади. Бу ишга шунчалик муккасидан кетадики, хатти-ҳаракатларининг оқибати ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди.

Кейинчалик "Одноклассники" ижтимоий тармоғида "Abdulloh" номли профиль очиб, унга тақиқаланган диний ташкилот вакилларининг маърузаларини жойлаштиради.

Шу тариқа тўғри йўлдан адашган Акмал динни ниқоб қилган террорчиларнинг ноғорасига ўйнай бошлайди. Аниқроқ айтганда, у мамлакатимизда таъқиқланган диний мазмундаги маърузаларни тарқатиш билан шуғулланади.

Суд мажлисларида Акмал қилган ишидан пушаймонлигини билдириш баробарида бошқаларни тўғри йўлдан уриш нияти бўлмаганини маълум қилди.

Аммо Вазирлар Маҳкамаси ҳузури-



даги Дин ишлари бўйича қўмита Акмал тарқатган маълумотлар мамлакатимизда фаолияти тақиқланган "Тавҳид ва жиҳод катибаси", "Ўзбекистон ислом ҳаракати" террорчилик ташкилотларига тегишли бўлган, ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, жамоат тартиби ва хавфсизлигига таҳдид солувчи, мутаассиблик руҳида шарҳланган маърузалар экани ҳақида хулоса берган. Шу боис суд Акмалнинг қилмишига яраша қонуний жазо тайинлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда диний эътиқод борасида ҳеч қандай чекловлар йўқ. Айни пайтда 11 та диний таълим муассасаси фаолият юритмоқда. Халқаро илмий-тадқиқот марказлари ва илмий мактабларда ҳам Ислом динини ўрганиш учун шарт-шароитлар етарли.

Акмал бузғунчи ғоялар таъсирига тушмасдан, қонуний равишда диний сабоқ олганда умрининг гуллаган даврини "темир панжара" ортида ўтказмаган бўлар эди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, инсон ҳар бир қадамини ўйлаб босса, ҳеч қачон адашмайди. Шу маънода Акмалнинг қисмати кўпчилик учун сабоқ вазифасини ўташи шубҳасиз.

**Муҳтарама ТУРҒУНОВА,**
*Тошкент шаҳар суди судьяси*
**Абдусалим МАҲМУДОВ,**
*журналист*

***Кармана туманида яшовчи Уйғун (исм-шарифлар ўзгартирилди) байрамни уйида қариндошлари билан бирга нишонлашга қарор қилди. Ўша куни эрталаб соат тўққизларда икки опасига қўнғироқ қилиб, аввал байрам билан табриклади. Сўнгра мақсадга ўтиб, поччалар билан бирга уйига меҳмондорчиликка чақирди.***

*Жиноятга жазо муқаррар*

# Виждон азоби

*ёхуд ичкилик келтирган фожиа*

Тушда Уйғун тўнғич поччаси Икром билан ичкиликбозликни бошлаб юборади. Кечки пайт уларнинг даврасига кичик поччаси Давлат Отажонов ҳам келиб қўшилди. Бир оздан сўнг Икром уйига кетди.

Уйғун билан Давлат эса, ичкиликбозликни давом эттиради. Бироқ ўзаро гап талашиб қолишади ва Уйғун поччасини ҳақоратлайди. Давлат ҳам бунга жавобан ҳар хил ноўрин сўзлар айтади. Жаҳл отига минган Уйғун Давлатнинг кийимини йиртиб ташлайди. Шунда Ҳакима ўртага тушади ва эрини ташқарига чиқариб юборади. Бундан ғазабланган Уйғун опасининг чап томон елка ўмров соҳасига қўлидаги ўткир ошхона пичоғини санчиб олади. Оғир тан жароҳати олган Ҳакима "Тез тиббий ёрдам" автомашинасида зудлик билан шифохонага олиб борилади. Афсуски, кўрсатилган тиббий муолажаларга қарамасдан Ҳакиманинг ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмади.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Уйғун Шокиров айбига иқрорлик билдирмади. Унинг иддаосича, тарвуз сўяётганда пичоқ тўсатдан опасининг танасига кириб кетган эмиш...

Суд судланувчи У.Шокировнинг опасини қасддан пичоқламагани, бу ҳолат қандай содир бўлганини билмай қолгани, опасига тан жароҳати етказиш мақсади бўлмагани ҳақидаги кўрсатмаларини чуқур муҳокама қилди. Жиноят иши юзасидан гувоҳ сифатида сўроқ қилинган жабрланувчининг қонуний вакили Д.Отажонов ва бошқа гувоҳларнинг кўрсатмалари, шунингдек, Х.Сулаймонова номидаги суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Навоий филиали Кармана туман бўлинмасининг 2020 йил 10 сентябрдаги 51-сонли хулосасига асосланиб, судланувчининг кўрсатмаларини жавобгарликдан қутулиб қолиш мақсадида ўйлаб топилган важлар деб топди.

Суд мажлисида қўшимча гувоҳ сифатида сўроқ қилинган судланувчи У.Шокиров истиқомат қиладиган маҳалла фуқаролар йиғини раиси С.Тожиқуловнинг кўрсатмаси ҳақиқатни бирмунча ойдинлаштирди.

— Уйғун илгари ҳам спиртли ичимлик истеъмол қилиб, тез-тез жанжал чиқариб турар эди, — деди у. — Опаси Ҳакима билан ўрталарида келишмовчилик бўлганини эшитмаганман. Лекин поччаси Давлат Отажонов билан чиқишолмаслигидан хабардор эдим.



Суд судланувчи У.Шокировни Жиноят кодексининг 104-моддаси 3-қисми "д" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топди ва унга саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Уйғун жазо муддатини ўтаб, уйига қайтгани билан бир умрлик виждон азобидан қутула оладими? Яқин қариндошлари, жиянлари қалбидаги тузатиб бўлмас жароҳатга малҳам тополадими?

Яшаш бахти ҳар бир инсонга Яратган томонидан берилган инъом. Ана шу инъом этилган умрни мазмунли ўтказиш, яхши ном қолдириш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Яшаш бахти эса, ота-она, ака-ука, опа-сингил, оила ва фарзандлар меҳрини ҳис этиб, аҳил-иноқ умргузаронлик қилиш билан мазмунли. Бундай ибратга лойиқ оилалар минг-минглаб топилади, улар жамиятимиз кўрки.

Мухтасар қилиб айтганда, спиртли ичимлик ичиш ва ўйламай қилинган хатти-ҳаракат мудҳиш фожиани келтириб чиқарди. Унинг аянчли оқибати нафақат Уйғунни, балки унинг оила аъзоларини ҳам узоқ вақт мобайнида азоблаши тайин. Шундай экан, жиноятга етакловчи ва унга доялик қилувчи иллатдан йироқ бўлган маъқул.

**Алишер САЙДУЛЛАЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Кармана тумани суди судьяси*
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

*Қилмиш-қидирмиш*

# Ҳаёт сабоғи уққанга юқар, уқмаганни чоҳга қулатар

***Қирқ беш йиллик умри мобайнида олти марта судланиб, жами 32 йил-у 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилган шахснинг ахлоқан тузалиши, руҳан ва маънан соғломланишига умид боғласа бўлармикан? Афсуски, бу саволга тайинли жавоб бериш мушкул. Ҳаётини ўз қўли, қилмишлари билан аллақачон издан чиқарган кимсанинг жиноий кирдикорлари эса, давом этаяпти.***

Бундай кимсаларни чоратрофдаги умрини инсонийлик фазилатлари оғушида ўтказаётган фидоий ва меҳнатсевар кишилар, яқин қўни-қўшнилар эмас, ўзини жиноий қилмишлар домига ташлаб, азиз умрини аросатда ўтказаётган гумроҳларгина яхши танишади.

Унинг ижтимоий сувратига ўзингиз ҳам разм солинг: 1975 йил Урганч шаҳрида дунёга келган Руслан Карюков ота-онасига муносиб фарзанд бўлолмади, инсонийлик бурчини ҳам бажара олмади. Ёшлигиданоқ ҳаётнинг кенг ва равон йўллари бир четда қолиб, қалтис, пастқам, зимзиё ва хавф-хатарли манзилларини қўмсади.

Турмушнинг ҳалоллик, поклик, чин одамийлик эпкинлари елгувчи, бироқ фидоий меҳнатни сўрагувчи файзиёб манзилларини излаш ва топиш саодати юртнинг муносиб фарзандлари, комил ва қобилу-қодир инсонларга насиб этади.

(Давоми 4-бетда) ▶

*Сабоқ*

# Меҳнат ва ижро интизоми

## иш фаолиятининг устувор талабидир

◀ (Бошланиши 1-бетда)

А.Саидовга мактаб ходимларини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларига жалб қилиб, мажбурий меҳнатга йўл қўйгани ҳамда хизмат вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндашгани учун **"ҳайфсан",** шунингдек, мактабда меъёрий ҳужжатларни юритишда қатор камчиликларга йўл қўйгани учун ўртача иш ҳақининг **ўттиз фоизи миқдоридаги "жарима"** интизомий жазолари тайинланган.

Мазкур интизомий жазони қўллаш ҳақидаги буйруқлардан норози бўлган А.Саидов судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Суд муҳокамасида аниқланишича, А.Саидов мансабдор шахс бўла туриб, ўзига юклатилган вазифани лозим даражада бажармагани, 2020 йил 18 июнь куни соат 9:00 дан 11:30 га қадар 15 нафар мураббийни асосий базада, 27 нафар мураббийни биринчи базада ободонлаштириш ишларига жалб қилгани ҳолати бўйича меҳнат инспекциясининг 2020 йил 19 июндаги 396-сонли қарори билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида жаримага тортилган. Бундан ташқари бошқарма бошлиғи томонидан А.Саидовга 2020 йил 19 июнда "ҳайфсан" интизомий жазо чораси қўлланилган.

2020 йил 25-26 июнь кунлари бошқарма ишчи гуруҳи спорт мактаби мураббийлари мурожаатига асосан ўрганиш ўтказганда ушбу муассасада меҳнат биржасига ҳисоботлар нотўғри бериб келиниб, мавжуд иш ўринлари яширилгани, 2020 йил январь-февраль ойлари учун берилган мукофотлар бўйича тайёрланган йиғилиш баённомалари имзоланмагани, ходимларнинг иш фаолиятида йўл қўйган камчиликлари бўйича директор номига ёзилган тушунтириш хати ва айрим мураббийларнинг ҳозирга қадар ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқлари расмийлаштирилмагани маълум бўлади.



Бундан ташқари ўрганишда машғулотлар жадвали ҳукумат қарори талаблари асосида ишлаб чиқилмагани, мураббийлар табели нотўғри юритилгани, спортдаги натижалари ва иш соатлари ўзгарган мураббийлар учун қўшимча тарификациялар ишлаб чиқилмагани, мактаб спортчиларига разряд бериш тартиби йўлга қўйилмагани, спортчиларнинг аксарияти тиббий кўрикдан ўтмагани, рағбатлантириш пуллари ортиқча тўлангани, директор ўринбосарига моддий жавобгарлик буйруғи тайёрланмагани, моддий товар бойликларини юритиш китоби юритилмагани, айрим ходимларга қисқартирилган соатдан ҳам кўпроқ соатлар қўшилгани каби бир қатор камчиликлар ҳам аниқланган.

Ўрганиш натижалари асосида А.Саидовга 2020 йил 2 июлда ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида "жарима" интизомий жазо чораси қўлланилган.

Суд мажлисида даъвогарнинг важлари ўз исботини топмади. Чунки А.Саидовга қўлланилган 2 та интизомий жазо чоралари ҳам Меҳнат кодекси ва бошқарма локал ҳужжати ҳисобланган 2018-2020 йиллар учун тузилган жамоа шартномаси қоидаларига асосан ўз муддатида қўлланилган.

Баён этилган ҳолатлардан кўринадики, иш берувчи интизомиий жазо қўллашда А.Саидов томонидан содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада оғир экани, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, унинг олдинги иши ва хулқ-атворини ҳисобга олган. Қолаверса, 2020 йил 5 ноябрда туман ҳокими 08/32-сонли хат орқали А.Саидовнинг хатти-ҳаракатларидан норозилик мурожаатлари кўпайгани сабабли унга ҳокимлик ишончсизлик билдиришини маълум қилган.

Суд иш ҳолатлари ва қонун талабларидан келиб чиқиб, А.Саидовнинг даъво аризасини рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, қонун талабларига қатъий риоя қилинган жойда ортиқча шикоятбозликка ҳожат қолмайди. Буни ҳеч қачон унутмаслик зарур.

**Ферузжон ЁДГОРОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро суди раиси*

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Шу томон интилмаган, аксинча, ҳаётнинг қарама-қарши тарафидаги бефайз, бетаровват, қадам етмас маконларини қўмсаган кимсалар тўғри йўлдан адашиши аниқ.

Руслан Карюков эсини танибоқ шу янглиғ чуқур чоҳга қулади. Ҳали йигирма ёшга тўлмаёқ, судланиб, ўз қилмишининг ажрини тортди. Орадан уч йил ўтиб пешонасига яна судланганлик тамғаси босилди. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси билан "сийланди". 2000 йил учинчи марта жиноят кўчасига кирди. Ўғирлик устида қўлга тушиб, 1 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

2008 йилда яна ўғирлик содир этди. Бу қилмишни ҳужжатлар, бошқа зарурий воситаларга қасддан шикаст етказиш ва нобуд қилишга оид жиноий хатти-ҳаракат асносида амалга оширди. Бу қилмиши учун суд ҳукми билан 5 йил-у 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. Орадан атиги 2 ойгина вақт ўтди. Гарчи ҳибсда бўлса-да, жиноий қилмишдан ўзини тия олмади. Тағин ўғирлик — тағин жазо... Бу гал нақд 7 йилга қамалди. Фақат амнистия актига кўра, жазодан муддатидан илгари озод бўлди. Аммо ўзига нисбатан кўрсатилган кечиримлилик ва бағрикенглик неъматининг қадрига етмади. Озодликка чиққач, орадан 1 йил ўтмаёқ янги жиноий қилмишни содир этди: бу сафар бир бегуноҳ инсоннинг умрига зомин бўлди. У 19 йиллик озодликдан маҳрум этиш жазосига маҳкум этилди. Маҳкум ўз ноинсоний қилмишининг ажрини роса татигач, 2020 йилнинг июль ойида навбатдаги бағрикенглик акти шарофатидан яна озодликка чиқди.

Ҳаётда дарди бедаво, муолажа кор қилмас касаллар ҳам учрайди. Кўнгли жиноий қилмишга мойил бандалар ҳам шулар сирасидан. Ҳарчанд уринманг, уларни бу йўлдан қайтара олмайсиз. Бу тоифадагилар ўз билганидан қолмайди. Дарҳақиқат, Русланнинг ҳам озодликдаги ҳаёти узоққа чўзилмади. Узоқ йиллик жиноий жазодан сўнг озодликдаги умргузарониликнинг учинчи ойи охирламёқ ўзи касб қилган жирканч амал — ўғирликнинг этагини тутди. Ўтган йилнинг 30 сентябрь куни ярим тунда одатига кўра кўча санқиб юриб, шаҳарнинг ўзи вақтинча бошпана топган 3-даҳасидаги 29-уй йўлагида назоратсиз қолдирилган "Белорус"русумли велосипедга кўзи тушди. Уловни кўргани ҳамон ўй ва андишани бир четга сурди. Ўғирлик мол эртасигаёқ бозорга чиқарилди. Унинг нархи аслида 800 минг сўм бўлса-да, Руслан атиги 200 минг сўм эвазига узоқ таниши М.Ҳамидовга сотиб юборди. Навбатдаги қўш ўлжани роппа-роса уч кундан сўнг — 3 октябрь тун чоғи қўлга киритди. Руслан бу гал шаҳарнинг Паҳлавон Маҳмуд кўчасидаги 228-Б-уй олдида пайдо бўлди. Узоқ чарчоқдан сўнг шу ердаги хилват жойда бироз ухлаб, ором олишга уринди. Шу ўринда айтиш керакки, Руслан учун борарга макон, яшарга жой йўқ эди. Бари яқинлари унинг баҳридан ўтишган, оиласи бузилган. Шу сабабли исталган уйнинг томи-ю, йўлаги, ҳовлиси-ю, ертўласи, дов-дарахтлар ости, ташландиқ ва хароба манзил-маконларнинг бари унинг учун ўлан тўшак эди. Қай маконни ихтиёр этса, ўша жойда тунаб кетаверади. Ўша тун ҳам шундай бўлди. Руслан ўзи етиб келган кўп қаватли иморатнинг хилватроқ жойидан тунашга жой излади.



*Қилмиш-қидирмиш*

# Ҳаёт сабоғи уққанга юқар, уқмаганни чоҳга қулатар

Уй йўлаги бўйлаб том томон кўтарилди. Бинонинг учинчи қаватига етганида нигоҳи 10-хонадон эшиги олдида темир занжирга боғланган ҳолда қолдириб кетилган иккита велосипедга тушди. У ҳар эҳтимолга қарши ёнида омбур олиб юрарди. Бу дастгоҳ айни пайтда ўғирлик учун асқотди. Руслан ҳаялламай омбурни ишга солиб, ҳар икки уловни бир пасдаёқ "бандилик"дан бўшатди. Ўғирланган велосипедлар тез орада ишончли жойга яширилди. Бироқ деворнинг ҳам кўз-қулоғи бор. Шубҳа-гумонлар ҳам асосли. Шундай қилиб десангиз, ўғирликка оид далиллар, важ-корсонларнинг бари Русланнинг ҳузурига етаклади.

У қилмишини хаспўшлаб ўтирмади. Барини оқизмай-томизмай айтиб берди. Ҳатто ҳали ҳеч кимга ошкор этилмаган сир — уч кун аввал амалга оширилган велосипед ўғирлигига оид ҳақиқатни ҳам очиб ташлади, қилмишини шахсан ўзи фош этди. Таниши М.Ҳамидовнинг уйидан топилган велосипед ушбу жиноятни тасдиқлади. Омади чопмаган харидор "мол"ни чиндан ҳам, Русланнинг қўлидан 200 минг сўмга сотиб олганини маълум қилди. Ўғирлик матоҳ тезда ўзининг ҳақиқий эгаси — фуқаро Б.Қадамовга қайтарилди. Ўша йилнинг 3 октябрь ойи оқшомида содир этилган ўғирлик натижасида қўлга киритилган ва 1 миллион 380 минг сўмга баҳоланган иккита велосипеднинг "тақдири" ҳам ҳал бўлди. Ҳар иккала улов яна ҳақиқий эгаси Л.Бобожоновага қайтарилди. Қилмишни суд йўли билан баҳолаш чоғи эса, ўғирланган велосипедларнинг бари эгаларига қайтарилгани, етказилган зарар бартараф этилгани маълумот учун қабул қилинди.

Бу сингари давомли жиноий кирдикорларни қандай изоҳлашни билмайсан, киши. Дарвоқе, қирқ беш йилдан кўпроқ умри мобайнида 6 марта судланиб, яна шунча бор жазога тортилган, такрор-такрор давомли кирдикорлар, озодликдан мосуво ўтган ҳаётидан заррачаям сабоқ ололмаган, шу алфозда рецидивист жиноятчи номини олган, охир-оқибатда бу билан ҳам кифояланмай еттинчи марта жирканч қилмишга қўл урган кимсанинг руҳан, ахлоқан тузалишига чиндан ҳам, умид ва ишонч борми? Хўш, бу фожиа нега юз берди? Карюковлар оиласидаги машъум инқироз: бир адашган банданинг шум қисмати бошқаларни нега безовта қилмади? У жазони ўтаб, уйига қайтгач, бир йўла ҳам бошпанасиз, ҳам ишсиз, ҳам моддий таъминотсиз қолди. Маҳалла фуқаролар йиғини, участка профилактика нозири, жамоатчилик масаланинг бу жиҳатига бефарқ қаради. Оқибат — фожиа: изи узилмаган, бири-бирига уланган давомли ва асоратли жиноий қилмишлар занжири...

Эътиборсизлик, назоратсизлик оқибати шундай якунланди. Русланнинг сўнгги жиноий қилмиши юзасидан ўтказилган суд жараёнида барча масала эътиборга олинди. Қилмишнинг барча тафсилоти батафсил ўрганилди.

Суд тергов органи тарафидан Руслан Карюковнинг сўнгги қилмиши юзасидан Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми "а" банди бўйича қўйилган айбни эътироф қилди. Бироқ судланувчининг ўз айбига тўлиқ иқрорлиги, пушаймонлиги, оғир ва мураккаб ижтимоий турмушга рўпарў келганини инобатга олди. Шу важдан Жиноят кодексининг унга нисбатан малакаланган моддаси талаби доирасида жазо чораси тайинланди. Айбланувчи ушбу кодекснинг 34-моддаси 2-қисми "б" бандига мувофиқ ўта хавфли рецидивист жиноятчи, деб топилди. Айби исботланган моддага асосан эса, яна 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ҳа, давомли ва такрор-такрор содир этилган машъум қилмишларнинг баҳоси ҳам, жазоси ҳам шу бўлди. Аммо ноумид — шайтон. Умид, илинжсиз яшамоқ инсонга хос эмас. Ҳар қандай вазиятда ҳам бу эзгу хислатдан айро яшамаслик даркор. Қани, умид ва ишонч билан кузатайлик-чи, Руслан галдаги жазодан қандай хулоса чиқараркан?! Бу ҳаётда узоқ йиллик оғриқли кунлар, давомли аросатли онлардан сўнг ҳақиқий тузалиш йўлига кираётган, чинакам ҳаёт бағрига қайтаётганлар оз дейсизми? Руслан Карюковни ҳам ўзлигини топган ана шундай бахтиёр замондошларимиз сафида кўришни истаймиз.

**Шуҳрат РАЗЗОҚОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди раиси*
**Абдулла СОБИРОВ,**
*«Куч — адолатда» мухбири*

*Коррупция — жамият тараққиётига раҳна солиб турувчи хавфли иллат.*

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йил 3 январда "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун қабул қилиниб, шундан буён айни иллатга қарши қатъий кураш олиб борилмоқда. Шунга қарамай, орамизда ўз нафсининг измидан чиқолмай, коррупция балосига гирифтор бўлаётган кимсалар ҳали-ҳануз учраб турибди.*

*Коррупция — иллат*

# Нафс асирлари



Шу маънода, Президентимиз 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга ва халқимизга тақдим этган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига муросасиз бўлиш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши шарт. Бу иллатга қарши курашишга барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, умуман, ҳар бир фуқаро сафарбар этилиши зарур.

Коррупция ўта оғир жиноят экани ва унга нисбатан муросасиз бўлиш ғоясини фарзандларимизга ёшлик давридан бошлаб сингдиришимиз, уларга фақат ҳалол меҳнат ва тадбиркорлик орқали даромад топишни ўргатишимиз лозим. Шунингдек, коррупциянинг олдини олишда барча давлат органларида қарор қабул қилиш жараёнлари очиқ бўлишини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судидан олинган маълумотлар коррупция гирдобига тушаётганлар орасида мансабдор шахслар, оқни қорадан ажрата олган давлат хизматчилари ва зиёли инсонлар борлигини кўрсатмоқда.

Масалан:

- Жиноят кодексининг 131-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилган Ш.Файзиматовадан (исм-шарифлар ўзгартирилган) тергов жараёнида қамаб қўймасликни терговчи билан гаплашиб беришни ваъда қилиб, эвазига 1500 АҚШ доллари олган Фарғона шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси катта тезкор вакили Дилмурод Абдуллажонов;
- бола парвариши таътилидан ишга қайтмоқчи бўлган Н.Мамажоновадан 200 АҚШ долларини олаётганда ушланган Қўқон шаҳридаги 64-ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбари Эътиборхон Исроилова ҳамда муассаса ошпази Асила Холқўзиева;
- Марғилон шаҳридаги "Чилонзор" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган текширишда аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари бўйича далолатнома расмийлаштирмаслик ва ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбормаслик эвазига маҳалла фуқаролар йиғини котиби З.Усмоновдан 2,3 миллион сўм миқдордаги маблағни пора тариқасида олган Марғилон шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори ўринбосари А.Мелибоев;
- Қўштепа туманидаги аёллар жиноятчилиги ошган 12 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилада маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассисларни ишдан бўшатиш билан қўрқитиб, сўнгра ўз вазифасида қолдириш эвазига 4.500.000 сўм нақд пулни пора тариқасида олган туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кенгаши раиси вазифасида ишлаган Сожидахон Олимбоева;
- Фарғона политехника институти талабаси К.Каримқуловани 3 минг АҚШ доллари эвазига ўқишини иқтисодиёт йўналишига кўчиртириб беришни ваъда қилиб, 1500 АҚШ долларини олган вақтида ушланган олийгоҳнинг ўқув-услубий бўлими бошлиғи А.Мамажонов;
- Қўқон давлат педагогика институтининг табиий фанлар факультети талабаси М.Ваҳобованинг ўқишга келмаган кунлари ва баҳоларини тўғрилатиб бериш эвазига 300 АҚШ долларини олаётганда ушланган 4-босқич талабаси Н. Умарова шулар жумласидандир.

Албатта, жиноятга жазонинг муқаррарлиги қонун устуворлигини таъминлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, юқоридаги ҳолатлар бўйича айбдорлар суд ҳукмига биноан қонуний жазога маҳкум этилди.

Хулоса қилиб айтганда, коррупцияга қарши курашиш барчамиздан бирдек масъулият талаб этишини унутмаслигимиз шарт. Зеро, нафс гирдоби касбу лавозим танламайди.

**Камолиддин РАҲИМОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди судьяси*

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-215 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7545
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 23⁰⁰. Топширилди: 23⁵⁰.